

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙҚУЛОВА ДЛАФРУЗ КАБИЛДЖАНОВНА

ФАРМАЦЕВТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ВА
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ
(ИНГЛИЗ, РУС, ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

УЎК: 81`374.82:61(038)

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in Philological sciences

Худойқулова Длафруз Кабилджановна

Фармацевтик терминларнинг лексикографик ва функционал-семантик тадқиқи (инглиз, рус, ўзбек тиллари мисолида) 3

Худойкулова Длафруз Кабилджановна

Лексикографическое и функционально-семантическое изучение фармацевтических терминов (на материале английского, русского и узбекского языков) 23

Dlafruz Kabildjanovna Khudoyqulova

Lexicographic and functional-semantic study of pharmaceutical terms (on example of English, Russian and Uzbek languages) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДОЙҚУЛОВА ДЛАФРУЗ КАБИЛДЖАНОВНА

ФАРМАЦЕВТИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ВА
ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАДҚИҚИ
(ИНГЛИЗ, РУС, ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйча фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil827 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Ойбек Сапорбоевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаршибаева Улжан Давировна
филология фанлари доктори, доцент
Аякулов Нурбек Абдуғаппор ўғли
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «21» сентябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1939 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «06» сентябр кuni тарқатилди.
(2022 йил «06» сентябр даги 22-04 рақамли реестр баённомаси).



Д. С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

З. И. Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

М. М. Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда рўй бераётган пандемиянинг кўлами кун-сайин кенгайиб, глобал муаммога айланиб борар экан, фармацевтика соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда ривожлантириш реал ва ҳаётий эҳтиёж сифатида кун тартибига чиқди. Натижада аксарият давлатлар жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) хузуридаги COVAX альянсига аъзо бўлиб кириши билан бир қаторда COVID-19 га ва унинг мутацияга учраётган турларига қарши ўзининг самарали вакциналарини ва тиббий дори-воситаларини яратиш устида иш олиб боришни давом эттирмоқда. Юқоридаги экстралингвистик омиллар натижасида миллий тилимизга, хусусан, фармацевтика лексикасига бир қатор янги, халқаро фармацевтик терминлар ҳамда неологизмлар кириб келди. Бундай лексик бирликларни инглиз, рус ва ўзбек тиллари кесимида тизимлаштириш, уларнинг лексик-семантик, функционал-семантик хусусиятларини атрофлича ўрганиш, лексикографик аспектда тавсифлаш ва таснифлаш масаласи тилшунослик фанининг зиммасида бўлиб, бугунги кунда тилнинг турли сатҳлари бўйича чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Дунё тилшунослигида турли тиллар терминологик тизими, хусусан, фармацевтика терминларини ривожланишига таъсир этувчи лингвистик ва экстралингвистик омиллар, чоғиштирилаётган тиллар терминологиясининг изоморфик ва алломорфик хусусиятларини аниқлашга оид бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу маънода, фармацевтика терминларини тартибга солиш жараёни терминларнинг функционал-семантик, структуравий ва деривацион моделларини аниқлаш, таржимада уларнинг энг оптимал муқобилларини топиш, лексикографик изоҳларини такомиллаштириш, соҳа терминологиясидаги синонимлик, кўпмаънолилиқ ва ўзлашаётган неологизмларни лексикографик нуқтаи назардан тартибга солиш ҳамда унификация қилиш, меъёрлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, кўп тилли босма ва электрон таржима луғатларини тузиш заруриятини белгилайди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда замон талабларига жавоб бера оладиган фармацевтика хизматларининг ривожланиши чет тилларни мукамал эгаллаган мутахассис кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни оширмоқда. Хорижий тилларни пухта эгаллаш билан бир қаторда «...Давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилмоқда¹». Бу масалада турли тизимли тиллар кесимида фармацевтика соҳасига оид терминларнинг лексик-семантик, функционал-семантик ва лексикографик жиҳатларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 6-сон. 70-модда.

тартибга солиш ва меъёрлаштириш каби тамойиллар асосида ўрганиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. **Хорижий тилшунослар томонидан фармацевтика соҳаси терминологияси назарий ва амалий йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, ҳозиргача фармацевтика терминологияси бўйича ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот олиб борилган эмас.** Фақатгина И.А. Қосимов, Ҳ.Х. Холматов «Русча-ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати»², Л.Х. Базарова, Ф.У. Мағзумова, Н.С. Суюндиков ва Ф.Ҳ. Калонова «Лотинча-русча-ўзбекча фармацевтик луғат»³ каби ишларида амалиётчи мутахассислар фармацевтика соҳаси терминологиясининг лексикографик жиҳатларига эътибор қаратган ҳамда уч тилли хажми унча катта бўлмаган таржима луғатларини яратганлар, бу эса соҳа терминологияси ўзбек терминшунослигининг тадқиқ этилмаган йўналиши бўлиб қолаётганлиги билан ифодаланади.

Терминологик масалалар В.В. Виноградов, Г.О. Винокур, А.А. Реформатский, А.С. Герд, В.М. Лейчик, Р.А. Будагов, Д.С. Лотте, Л.Ю. Буянова, Л.А. Капаназе, К. Кагеура, Д. Сагедер, М.С. Муноз, Ч.С. Абдуллаева, Ғ. Абдурахмонов, С.А. Азизов, О.С. Ахмедов, П. Нишонов, Х.Д. Палуанова, Д.Х. Кадирбекова⁴ ва бошқалар ишларида тадқиқ қилинган.

² Қосимов И.А., Холматов Ҳ.Х. «Русча- ўзбекча-лотинча фармацевтик терминлар луғати». – Тошкент, 1990.

³ Базарова Л.Х., Мағзумова Ф.У., Суюндиков Н.С. ва Калонова Ф.Ҳ. «Лотинча- русча-ўзбекча фармацевтик луғат». – Тошкент, 1997.

⁴ Виноградов В.В. Основные этапы истории русского языка // Избранные труды. История русского литературного языка. – М.,1978. – С. 10-64; Винокур Г.О. История русского литературного языка. – М., 2010. – 192 с.; Реформатский А.А. Как работать над терминологией. Основы и методы. – М., 1968. – 138с.;

Турли тиллар фармацевика соҳаси терминологиясининг бир қатор масалалари инглиз ва бошқа хорижий тилшунос олимлар⁵ томонидан маълум даражада ўрганилган. Жумладан, фармацевтик терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари Э.А. Коржавых⁶, Г.П. Бурова⁷ ҳамда О.Б. Бурдина⁸ илмий ишларида ўз аксини топган бўлса, В.И. Гатаулина⁹ инглиз терминологиясини диахрон жиҳатдан тадқиқ қилган, Л.Н. Уткина¹⁰ тил ўрганиш жараёнида лингвистик терминларнинг функционал аспектларига эътибор қаратган.

Ўзбек тилшунос олимларидан О.С. Ахмедов инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммоларини атрофлича тадқиқ этган бўлса, Д.И. Кадирбекова инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятларини таҳлилга тортган. Д. Саидқодирова эса инглиз ва ўзбек тиллари интернет терминларини ўрганган. Д.И. Ходжаева инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлилин, Ш.Н. Абдуллаева инглиз, ўзбек, рус тилларидаги

Герд А.С. Еще раз о значении термина //Лингвистические аспекты терминологии. – Воронеж, 1980. – 70 с.;
 Лейчик В.М. Лингвистические проблемы терминологии и научно-технический перевод. Ч. II. Выпуск 18-й. – М., 1990. – 77 с.; Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Добросвет. 2003. – 544 с.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – 210 с.; Буянова Л.Ю. Когнитивно-семиотическая деривация как механизм формирования и эволюции современной финансово-экономической термосферы // Вестник Челябинского государственного университета. 2013. № 31 (322). Филология. Искусствоведение. Вып. 84. – С. 19-22.; Капанадзе Л.А. О понятиях «термин» и «терминология» // Развитие лексики современного русского языка. – М., 1965. – 136 с.; Kageura K. The Dynamics of Terminology: A descriptive theory of term formation and terminological growth / John Benjamins Publishing Co., 1964. – P. 322; Sageder Dagmar. Terminology Today: A Science, an Art or a Practice? Some Aspects on Terminology and its Development Brno Studies in English Volume 36, No. 1, 2010; Muñoz M.S. Terminology. Unit I. Introduction to Terminology. Open courseware. University of Murcia, 2010; Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 22 с.; Абдурахмонов Ф. Терминология муаммолари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг таракқиёт перспективалари: Биринчи республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – 136 б.; Азизов С.А. Лексико-грамматическое исследование музыкальной терминологии узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук – Ташкент, 1981. – 160 с.; Нишонов П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 26 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016; Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида): Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 2016; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Т., 2017.

⁵ Lysanets, Yuliia V. and Bieliaieva, Olena M. The use of Latin terminology in medical case reports: quantitative, structural, and thematic analysis. Journal of Medical Case Reports, 12(1), 2018, pp. 1-10. DOI: 10.1186/s13256-018-1562-x. <http://search.ebscohost.com>; Chitac, M., Maria A. Translating pharmaceutical texts for non- specialist reader EIRP Proceedings, 14 (1), 2014; Wright S.E., Budin G., Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001. – 564 p.

⁶ Коржавых Э.А. Теоретические и методические основы фармацевтического терминоведения: Дисс. ... док. фарм. наук. – Москва, 2005. – 357 с.

⁷ Бурова Г. П. Фармацевтический дискурс как культурный код: семиотические, прагматические и концептуальные основания: Автореф. дисс. ... д. филол. н. Ставрополь, 2008. – 49 с.

⁸ Бурдина О.Б. Моделирование терминологической вариативности а фармацевтическом дискурсе: Дисс. ... канд. филол. Наук. – Пермь, 2013. – 277 с.

⁹ Гатаулина В.И. Английская терминология в диахроническом освещении: Дисс. ... канд. филол. наук – Л., 1989.

¹⁰ Уткина Л.Н. Функциональные аспекты лингвистической терминологии в разных подходах к изучению языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2001.

ғазначилик соҳасида қўлланиладиган молиявий-иқтисодий терминларнинг чоғиштирама тадқиқини амалга оширган.

Ўзбек тилшунослигида фармацевтика соҳасида термин танлаш ва уларни ўз ўрнида қўллаш долзарб ва инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган бўлса-да, ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмаган. Фармацевтика ва тиббиётда қўлланиладиган терминларнинг тарихий шаклланиши ҳамда лингвистик хусусиятлари тадқиқ қилинмаган. Фармацевтика соҳасига оид терминологиянинг лексик-семантик, тарихий-этимологик, функционал-семантик, қиёсий-статистик масалалари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Турли тизимли тилларнинг чоғиштирама ва типологик хусусиятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади фармацевтика терминларининг функционал-семантик хусусиятларини инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фармацевтик терминларнинг функционал-семантик хусусиятларини аниқлаш;

амалдаги фармацевтика соҳаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида ва вақтинчалик фармакопея мақолаларида қўлланиладиган терминларнинг берилиши ва уларнинг ифода усулларини таҳлил қилиш;

мазкур соҳа терминларининг деривацион жиҳатларини, аффиксал, морфемик-морфологик, семантик, функционал-семантик ва синтактик усулда ясалишини очиб бериш;

чоғиштирилаётган тилларда фармацевтика соҳаси терминларини таржима қилишдаги ўзига хос вазифавий-маъновий хусусиятларини аниқлаш;

фармацевтик терминларининг уч тилли (инглизча-русча-ўзбекча) таржима луғатини яратиш;

ҳозирги кунда мавжуд бўлган фармацевтик терминларга оид турли луғатларнинг кейинги нашрлари учун назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, рус ва ўзбек тиллари фармацевтика соҳасида қўлланиладиган терминлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз, рус ва ўзбек тилларида фармацевтика соҳасида фаол қўлланиладиган терминларнинг ясалиши, ҳосил бўлиш усуллари, уларнинг изоморфик ва алломорфик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш, қиёсий-типологик (чоғиштирама), семантик, компонент таҳлил, функционал-семантик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида фармацевтика соҳасига оид терминлар (лексик бирликлар)нинг маъно торайиши, маъно кенгайиши, маънодаги

семантик силжиш, метафорик ёки метонимик кўчириш каби лисоний ҳодисалар натижасида ҳосил бўлувчи аффиксал ва морфемик-морфологик моделлари аниқланган;

инглиз, рус ва ўзбек тилларида фармацевтикага оид терминосистемасини чоғиштириш жараёнида вужудга келадиган мураккабликлар нафақат тиллараро изоморфик ва алломорфик хусусиятларда, балки терминларнинг структур-семантик, функционал-семантик жиҳатдан миллий тиллар тизимидаги дериватив табиати, динамик характерида намоён бўлиши исботланган;

чоғиштирилаётган тиллар терминологик тизимидаги синонимлар ўхшашлик (парадигматик) ва кетма-кетлик (синтагматик), сўз ясовчи (деривацион) алоқалар асосига қурилганлиги сабабли парадигматик муносабатлар, синонимлар турларидан қатъий назар, ўзида бошқа тил бирликларини умумийлик асосида ўзаро боғлайдиган муносабатлар сифатида шартланиши асосланган;

фармацевтика лексикасида синонимик ва полисемантик сўзлар ҳамда неологизмларнинг маънодошлиги ва кўп маънолилигини бартараф қилиш мақсадида чоғиштирилаётган тилларнинг терминографик тамойиллари ишлаб чиқилган, мазкур соҳа терминологик луғатларини тузишнинг услубий ёндашувлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тилларида фармацевтика соҳасида қўлланиладиган ҳамда ўзига хосликни акс эттирадиган фармацевтик терминларнинг деривацион хусусиятлари (асл/туб термин, ўзлашма термин, интертермин)ни чоғиштирма ўрганиш бўйича амалий таклиф ва мулоҳазалар илгари сурилган;

тадқиқот натижалари инглиз, рус ва ўзбек тилларини ўрганишда фармацевтика терминларининг деривацион тизимини ривожлантириш ва қиёсий терминшунослик тамойилларини такомиллаштириш ҳамда фармацевтика соҳасига оид терминларини тартибга солиш, уларни таржима қилишда бир хилликка эришиш бўйича ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланилган;

фармацевтик терминларнинг хусусиятларига доир назарий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаларида мазкур соҳа бўйича яраладиган ўқув фанларидан дарслик, қўлланма ҳамда электрон луғатлар яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

фармацевтик терминларининг лексикографик манбалардаги ўрни белгиланган, аҳамиятлилик даражаси аниқлаган ҳолда тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари талабалари, магистр ва илмий изланувчи ҳамда соҳа ходимлари эҳтиёжлари учун зарур бўлган уч тилли терминологик луғат яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар, назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олингани, амалий мисоллар ва таҳлиллар асосланган тил материалларига таянилгани, республика, халқаро миқёсдаги илмий-услубий, илмий-амалий

конференция материаллари тўпламлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси рўйхатидаги журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг терминология ва таржимашуносликнинг тадқиқот кўламини бойитиши ҳамда бошқа терминологик тизимларнинг лексикографик хусусиятларини ёритишда манба сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Қиёсланаётган тиллардаги фармацевтик терминларни ўринли танлаш ва тўғри таржима қилиш, уларнинг муқобилларини ўз ўрнида ишлатиш ҳамда олинган натижаларни илмий таҳлил қила олиш, амалга оширилажак таҳлиллар жараёнида эришилган натижалар турли тиллар терминологик тизимларини қиёсий-чоғиштира тадқиқи билан белгиланади ва шу аснода фармацевтика соҳаси ривож учун истиқболли йўналиш очиб беришда янгича ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материаллари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикасининг дори воситалари ва фармацевтика хизмати ва фаолияти тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таржима қилиш жараёнида, олий таълим муассасаларининг таржимашунослик, назарий ва амалий лексикология, лексикография, фармацевтика соҳасига оид мутахассислик фанларини ўқитишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда, хорижий давлатлардан олиб келинадиган дори воситаларининг аннотациялари, тиббий ва фармацевтик соҳа вакиллари, профессор-ўқитувчилар машғулотларини ўтиш жараёнида талабалар учун тест ва турли машқлар тузишда, дарс мавзуларига боғлаган ҳолда ўргатишда, магистрлик диссертация ишлари ва докторлик ишларини, монографияларини ёзишда ҳамда луғатлар тузишда амалий манба вазифасини бажариш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, ўзбек, рус тилларида фармацевтик терминларни лексикографик, функционал-семантик хусусиятларига доир ишлаб чиқилган назарий ва амалий хулоса, тавсия ва ишланмалар асосида:

фармацевтика терминологиясида қисқартма терминларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва таржимада берилиши таҳлиliga доир илмий-назарий хулосалардан ПЗ-2017091368 «Маҳаллий доривор ўсимликлар йиғмаси асосида тинчлантирувчи «Флегмен» сиропини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва стандартлаш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Тошкент фармацевтика институтининг 2021 йил 6 ноябрдаги № 03/1804-сон маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланиши натижасида фармацевтика фаолиятида таклиф этилган фармацевтик терминлар хусусан, бир-бирига қардош бўлмаган инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги терминларни семантик ва функционал-семантик хусусиятларига кўра ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш ва фарқлашга эришилган;

фармацевтик терминларни инглиз тилидан рус ёки ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида тилларнинг грамматик, фонетик, лексик-семантик ва стилистик жиҳатдан интеграл ва дифференциал хусусиятлари асосида луғат тузиш тамойилларига доир илмий-назарий хулосалардан «Инглизча-ўзбекча-русча фармацевтик терминлар луғати / English – Uzbek – Russian Dictionary of pharmaceutical terms» яратилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 сентябрдаги 08-09/12251-сон хулосаси). Натижада магистрантлар, илмий изланувчилар ҳамда талабаларнинг мутахассислик фанларига оид фармацевтик терминларни чуқур ўзлаштириш имкониятини берган;

фармацевтик терминлар қўлланилган дори воситалари йўриқномаларида лексик бирликларда маънонинг торайиши, маънонинг кенгайиши, маънодаги семантик силжиш, метафорик ёки метонимик кўчиришининг аҳамияти ҳақидаги илмий-назарий хулосалари Фармация ва Саноат фармацияси бакалаврият таълим йўналишларида «Лотин тили ва фармацевтик терминология асослари», «Дори турлари технологияси» фанлари бўйича намунавий дастурлар мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 09 январдаги 8-9-1/34-сон маълумотномаси). Натижада фармацевтика соҳаси терминларини ясалишининг ўзига хос хусусиятлари, терминларни соҳада ўз ўрнида қўллаш юзасидан назарий маълумотларни асослашга хизмат қилган;

фармацевтика лексикасида ахборот излаш тилларини ишлаб чиқишга боғлиқ хулосалардан инглиз-ўзбек-рус тилларида қўлланиладиган фармацевтик терминлар омма фойдаланувчилар учун «Фармацевтика атамаларининг уч тиллик электрон луғати» электрон дастурий восита ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлигининг 2020 йил 3 июлдаги 08682-сон гувоҳномаси). Натижада соҳавий терминларни ўз ичига қамраб олган ўзбекча-русча-инглизча электрон луғатида фойдаланиш имконияти йўлга қўйилган;

чоғиштирилаётган тилларда фармацевтика терминологиясининг тарихий тажрижий тараққиётига лингвистик ва экстралингвистик омиллари масаласига доир хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг «Mahalla» телерадиоканалининг ДУК муҳарририяти томонидан тайёрланган «Мунаввар соатлар», «Таълим ва тараққиёт» номли эшиттиришлар дастурида сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 3 декабрдаги 04-114-сон маълумотномаси). Натижада фармацевтик терминларни синхрон аспектда қўлланилиши ва уларнинг лингвистик нуқтаи назардан тўғри ишлатилиши ҳамда нутқ маданиятининг шаклланиши борасида тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 2 та луғат, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 158 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методлари тавсифланган, тадқиқот объекти, предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фармацевтик термин тушунчаси, унинг тарихи, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобда терминология, термин, номенклатура, аббревиатурага оид назарий қарашлар, тилшуносликда терминларни таснифлаш муаммолари, шунингдек, жаҳон ҳамда шарқ мутафаккирларининг фармацевтик терминлар юзасидан олиб борилган илмий-назарий изланишлари таҳлилга тортилган.

Терминология – тилшуносликда муайян фан соҳасига тегишли бўлган махсус тушунча ва номларни ифодалашда ишлатиладиган сўз ва сўз бирикмалари мажмуаси. Терминология ҳар қандай миллий тилнинг мустақил сектори бўлиб, касбий фаолият билан чамбарчас боғлиқ.

XX асрнинг 70-йиллари охирида В.П. Даниленко томонидан терминшунослик масалалари муҳокама қилинган, асосан, 40-70-йилларга оид қатор терминшуносликка бағишланган илмий ишларни таҳлил қилиб, «термин» тушунчасининг 19 та таърифни келтиради. С.Д. Шелов терминнинг табиатини ойдинлаштириш, унинг турлича таърифларини қиёслаш ва баҳолаш мақсадида XX асрнинг 80-90-йиллари ва XXI аср бошида эълон қилинган тилшунослик ва терминологияга оид илмий ва ўқув нашрлари, луғат ва маълумотномалардан олинган 31 та таърифни таҳлил қилиб, уларни қуйидагича умумлаштиришни таклиф этади: агар тил белгиси (сўз бирикмаси, сўз қўшилмаси, алоҳида символли сўз бирикмаси ёки сўз қўшилмаси ва ҳ.к.) билимнинг қайсидир соҳасига оид тушунчани ифодаласа ва шунга мувофиқ ушбу тил белгисини англатган бирликлар онгли равишда танлаган дефиниция (изох, тушунча)га эга бўлса, у термин саналади¹¹.

¹¹ Шелов С.Д. Еще раз об определении понятия «термин» // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. Лингвистика, 2010. № 4 (2). – С. 795-799.

Дунё тилшунослигининг терминология мактаблари, хусусан, Австриядаги «Вена терминология мактаби», Россиядаги «Россия терминология мактаби», Чехословакиянинг «Прага терминология мактаби» кабилар терминларнинг фан соҳаларида нақадар муҳим ўрин тутишидан далолат беради¹².

П. Нишонунинг таъкидлашича, «термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан махсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирликдир»¹³.

Мазкур бобнинг иккинчи фаслида фармацевтик терминларнинг тадқиқида латин тилининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Термин – мазмунан муайян мантикий тушунчалар тизимидаги маълум бир бирлик билан шартсиз равишда (мажбуран) нисбатланадиган (қиёсланадиган) сўздир¹⁴. Бизнингча, термин ўз лингвистик табиатига кўра, адабий тил луғавий тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, бошқа тоифадаги сўзлардан илмий, техникавий ёхуд бошқа касбий тушунчаларни аниқ, ихчам ифодалаш ва ахборотга бойлиги билан ажралиб туради.

Лингвистик ёндашувга мувофиқ термин тизимлилик билан характерланувчи¹⁵ ва илмий дефиницияда ифодаланган бир маънога эга объект сифатида талқин қилинади. Термин контекст таъсирига учрамайди. У услубий жиҳатдан нейтрал бўлиб, асосан, функционал муҳитда, яъни турли билим соҳалари мутахассис ва тадқиқотчилари томонидан ишлатиладиган матн ва ҳужжатларда қўлланади.

Илмий терминология латин тили негизида ҳосил бўлгани боис, халқаро характерга эга ҳисобланади, яъни бутун дунё илм аҳли томонидан етарли даражада тан олинади ва тушунилади¹⁶. Тез-тез такрорланадиган лексик бирликлар, асосан ижтимоий-сиёсий йўналишдан иборат бўлган лексик қатлам турли контекстларда учраши барчага тушунарли бўлиши керак, масалан: *шприц, доза, экстракт, настойка, ассистент, студент, форум, стипендия, лаборант* ва бқ.

Фармация соҳаси терминшунослиги (XIX асрнинг бошларида тизимли ва мақсадли равишда ривожлана бошлаган) лингвистик ва экстралингвистик омиллар сабабли изланувчиларда алоҳида қизиқиш уйғотади. Фармацевтика ўзида фармациянинг дори ва дори воситалари ишлаб чиқишнинг замонавий усуллари ва уларни қўллаш билан боғлиқ бўлган янги, технологик ривожланиш босқичларини англатади.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида фармацевтика терминологиясида қисқартма терминларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва уларни

¹² Temmerman R. Questioning the univocity ideal. The difference between socio-cognitiveterminology and traditional terminology. – Amsterdam – Rodopi, 2000. – P. 3.

¹³ Нишонун П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2009.

¹⁴ Абдуллаева Ш.Н. Тилшуносликда терминология масалаларига оид назарий қарашлар. НамДУ илмий ахборотномаси. 2019. № 5. – Б. 214-219.

¹⁵ Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. – М.: Высшая школа, 1987. – С. 78.

¹⁶ Хакимова В.М. Роль латинского языка в медицине и в современном мире // Медицинский вестник Башкортостана. 2011. № 3. – С. 139-141.

таржимада берилиши таҳлил қилинди, термин яшаш усулларига кўра фармацевтика соҳаси терминларини таснифлаш қуйидаги асосий қоидаларга асосланиши далилланди: 1) фан ёки жамиятнинг ижтимоий фаолият соҳаларига кўра; 2) катта система (катта фан) ичидаги кичик системалар (кичик фанлар); 3) терминлар ифодалайдиган тушунчаларга кўра; 4) термин структурасига кўра; 5) термин яшаш усулларига кўра; 6) асл миллий терминлар (ўзбек, инглиз ёки рус тилининг ўз ички имкониятлари асосида яратилган терминлар)га кўра; 7) ўзлашма терминлар: а) лотин тилидан; б) грек тилидан; в) инглиз ва бошқа замонавий роман-герман тилларидан; г) рус тилидан ёки рус тили орқали; д) араб тилидан; е) форс тилидан кириб келган ўзлашма терминларга кўра; 8) гибрид терминлар (она тилидаги, ўзлашма терминларнинг ўзак ёки негизи ва ҳ.к. ларни қўшиш йўли билан ясалган терминлар)га кўра таснифланади.

Диссертациянинг «**Фармацевтик терминларнинг лексик-семантик хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобининг биринчи фаслида чоғиштирилаётган тилларда фармацевтик терминларнинг структур-семантик хусусиятлари ўрганилган, фармацевтикада ўзлашма терминларнинг хусусиятлари, фармацевтик термин (акроним ва аббревиатура)ларнинг таржима хусусиятлари, уларнинг луғат ва илмий мақолаларда берилиши ва бошқа соҳа терминологияси билан муносабатлари таҳлилга тортилган.

Инглиз ва рус тилларида фармацевтика соҳасига оид терминларни шакллантиришнинг тобора сермахсул усуллари ўзлаштириш, калькаланиш ва морфологик усуллар ҳисобланиб, терминлар ўзлаштиришнинг асосий манбаси юнон-лотин тилидир. Инглиз тилидаги фармацевтика терминологиясининг катта қисми юнон ёки лотин тили орқали ўзлашган лотинча сўзлардир: *linimentum* (лот.) – *liniment* (инг.) – *линимент* (рус.) – *линимент* (ўзб.), *aërosolum* (лот.) – *aerозole* (инг.) – *аэрозоль* (рус.) – *аэрозол* (ўзб.), *emulsum* (лот.) – *emulsion* (инг.) – *эмульсия* (рус.) – *эмульсия* (ўзб.), *preperatum* (лот.) – *preparation, drug* (инг.) – *препарат* (рус.) – *препарат* ёки *дори воситаси* (ўзб.).

Тадқиқот жараёнида 1680 дан ортиқ инглиз, рус ва ўзбек тилидаги фармацевтик терминлар таҳлил қилинди¹⁷. Терминлар иккита катта гуруҳга бўлинади: бир сўзли терминлар ва сўз бирикмаларидан ташкил топган терминлар. Тадқиқотимиз давомида фармацевтик терминларнинг 63 фоизи бир сўзли терминларга оид эканлиги аниқланди.

Х.Д. Палуанова, Е.Т. Ширинова¹⁸ ўз изланишларида терминларни компонентларга бўлиб тадқиқ қилган. Бир компонентли терминларнинг таркиби хилма-хил бўлиб, уларни қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин: содда, аффиксал ва мураккаб терминлар.

Содда (ёки ўзак) терминлар – бу ўзакка тўғри келадиган бир компонентли терминлар: *glucose* – *глюкоза* – *глюкоза*, *solution* – *раствор* – *эритма*, *vaccine* – *вакцина* – *вакцина*, *extract* – *экстракт* – *экстракт*, *vitamin* – *витамин* – *витамин* (*дармондори*), *capsule* – *капсула* – *капсула*, *granule* – *гранула* – *гранула*.

¹⁷ <https://www.eapteka.ru/2020>

¹⁸ Ширинова Е.Т. Ўзбек тили банк-молия терминологияси. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2020.

Аффиксал терминлар – асосан ўзак терминга сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали ясалади: *antiseptic* – *антисептик* – *антисептик*, *hyporeactive* – *гипореактив* – *гипореактив*, *hyperthermia* – *гипертермия* – *гипертермия*.

Мураккаб бир компонентли терминларга икки ўзакдан кам бўлмаган морфемани ўз ичига олган терминлар киради, сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши аҳамиятга эга эмас: *erythrocytes* – *эритроциты* – *эритроцитлар*, *epidemiology* – *эпидемиология* – *эпидемиология*, *endocrinology* – *эндокринология* – *эндокринология*, *pharmacotherapy* – *фармакотерапия* – *фармакотерапия*.

Шуни таъкидлаш жоизки, таҳлил қилинган терминологик бирликлар камида уч компонентни ўз ичига олиши лозим бўлган мураккаб терминлар турларидан бирига, хусусан, агглютинацияланган (уч компонентдан кам бўлмаган) терминларга тааллуқли эканлиги кузатилмади. Тадқиқот учун танланган терминологик бирликлар кўпи билан иккита ўзакдан иборат эканлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ терминларига икки ёки ундан ортиқ компонентларни ўз ичига олган терминологик бирликлар киради. Ушбу турдаги терминологик бирликларнинг таҳминан 37 фоизини ташкил этади (620 терминологик бирлик). Сўзлар сонига қараб уларни икки сўзли, уч сўзли ва кўп сўзли (тўрт ва ундан ортиқ сўзлардан иборат) бўлган таркибга бўлиш мумкин.

Амалиётда икки компонентли терминлар кенг тарқалган, яъни 539 бирлик (87 фоиз): *cardiac glycosides* – *сердечные гликозиды* – *юрак гликозидлари*, *adsorbents (substances)* – *адсорбирующие вещества* – *абсорбцияловчи (ютувчи) модда*, *water treatment* – *лечение водой* – *сув билан даволаш*.

Кейинги ўринни уч компонентли терминлар эгаллайди, яъни 84 бирлик (5 фоиз): *biologically active substance* – *биологически активное вещество* – *биологик фаол модда*, *side effects of the drug* – *побочное действие лекарства* – *дориларнинг ножўя таъсири*, *oral route of administration* – *оральный способ введения* – *оғиз орқали қабул қилиш*, *soft dosage form* – *мягкая лекарственная форма* – *юмшоқ дори шакли*.

Чоғиштиралаётган тиллардаги уч ва ундан ортиқ лексик бирликлардан иборат фармацевтик терминлар 1 фоизни ташкил этади: *preclinical tests of medicines* – *доклинические испытания лекарственных средств* – *дори воситасини клиникагача бўлган синов*, *phases of clinical tests of a medicinal product* – *фазы клинического испытания лекарственного препарата* – *дори воситаларини клиник синовдан ўтказиш босқичлари*.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли фармацевтика амалиётига оид расмий ҳужжатлар ва соҳага оид адабиётлар, илмий мақолаларни таҳлил қилиш, соҳа терминологиясини тартибга солиш, уни оптималлаштириш, унификация қилиш масалаларига бағишланади. Ҳозирги кунда амалдаги фармацевтика терминологияси таркибида ўзлашма лексика қатлами мавжуд бўлиб, ушбу қатламдаги терминологик бирликлар дунёнинг барча тилларига жуда тез кириб бормоқда. Соҳага оид илмий мақола ва матнлар таржимасида калькалаш усули сермахсул ҳисобланади.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида фармацевтик луғатларнинг терминологик мезонлари таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқот натижасида терминологик луғатларни яратиш амалиётидан келиб чиққан ҳолда, фармацевтик терминлар луғатини тузиш принципларини қуйидагича белгиладик:

маълум фан йўналиши бўйича асосий фармацевтик тушунчаларни қамраб олувчи соҳавий луғат бўлиши зарур;

сўз берувчи манба тил (source language) ва сўз ўзлаштирувчи (target language) тиллардаги фармацевтик терминологик бирликларни ўз ичига олган кенг оммага мўлжалланган таржима луғати бўлиши талаб этилади;

функциясига кўра норматив (маълум миқдордаги терминлардан иборат) бўлиши керак;

ҳажм жиҳатдан мавжуд луғатларга нисбатан имконияти юқори бўлиши талаб этилади (ўрта катталиқдаги луғат ҳисобланади); фармацевтика соҳасига оид фаол қўлланилувчи терминологик лексикани ўз ичига олиши керак.

Икки тилли луғатларда таржима орқали сўз ясалиши назарда тутилади, айти пайтда таржима орқали фармацевтик терминологик бирликларининг турли тизимли тиллардаги ўзига хос лингвистик хусусиятлари акс эттирилади.

Таржимада қўлланиладиган терминологик луғат нафақат манба тилнинг сўзларини ва уларнинг таржима эквивалентларини ўз ичига олиши керак, балки ушбу терминнинг тушунчаси билан ўзаро боғлиқ бошқа синоним сўзлар луғатидан ҳам иборат бўлиши керак. Ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра, фармацевтик соҳа луғатига терминларни танлашда қуйидаги мезонларни инобатга олиш зарур: луғатнинг мақсадга мувофиқлиги, мавзу жиҳатдан мослиги, вазифаси ва ҳажми каби асосий мезонлари хронология жиҳатдан термин танлашни тақозо этади.

Диссертациянинг **«Фармацевтик терминологияда синонимик, полисемик муносабатлар ва неологизмларнинг функционал-семантик хусусиятлари»** деб номланган учинчи бобининг биринчи фаслида инглиз, рус ва ўзбек тилларида фармацевтик терминларнинг синонимияси таҳлил қилинган. Фармацевтика соҳаси терминологиясида синонимия, полисемия ва неологизмларнинг тавсифлари ҳамда таҳлиллари чоғиштирма аспектда таҳлилга тортилган.

Тил тизими, хусусан терминологик тизимдаги синонимлар ҳам парадигматик ва синтагматик, деривацион алоқалар асосига қурилади¹⁹. Парадигматик муносабатлар синонимларнинг шакли, маъносидан қатъий назар муайян вақтда ўзида бошқа тил бирликларини умумийлик асосида ўзаро боғлайдиган муносабатлардир. Шундай экан, синоним сўзлар ёхуд терминларнинг турлари ва маъноларини ўзаро чоғиштириш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятлари янада ойдинлашади. Тилда одатда синоним сўзлар синонимик қаторни ташкил қилади. Бундай ҳолатни инглиз, рус ва ўзбек тили фармацевтик терминологияси мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан:

¹⁹ Абрамова Г.А. Медицинская лексика: основные свойства и тенденции развития. Монография. – М., 2003. – 26 с.

medicine, drug, remedy, preparation, cure, nostrum, medicament, physic – *лекарство, медикамент, средство – дори – дармон, препарат; tablet, pill, lozenge, pastille, troche, pastil* – *таблетка – таблетка.*

Фармацевтика терминологиясида синонимларни тўрт турга ажратиб таснифлаш мумкин:

1. Терминологик бирликларни маъно сифатига путур етказмай, бир-бирининг ўрнида бемалол ишлатила олувчи тўлиқ синоним лексемалар. Масалан: *Vitaminum A ёки Retinoli acetat* – *Ретинол ацетат; Vitaminum B₁ ёки Thiamini chloridum* – *Тиамини хлорид, Vitaminum D₂ ёки Ergocalciferolum* – *Эргокальциферол; Vitaminum D₃ ёки Cholecalciferol* *холекальциферол; Vitaminum E ёки Tocopheroli acetat* – *Токоферилацетат.*

2. Терминологик бирликларнинг маънолари жиҳатидан фарқланувчи семантик синоним лексемалар. Масалан: *pharmacy, drugstore, apothecary, dispensary, chemist's shop* – *аптека, дориҳона, disease, illness, sickness, ailment, disorder, trouble, disturbance* – *касал, бемоб, бемор.*

3. Фармацевтик лексикада нутқ ситуацияси ёхуд контекстда маънолари жиҳатидан бир-бирининг ўрнида ишлатила олувчи контекстуал синоним лексемалар. Масалан: *pharmacist, dispenser, druggist, pharmacist, apothecary* – *фармацевт, провизор – дориҳона ходими, провизор.*

4. Соҳа терминологик бирликларининг маъно сифатларида эмотив-экспрессив ҳиссиётни ифодаловчи стилистик (услубий) синоним лексемалар. Масалан: *sedative, downer, depressant, calmative, tranquilizing, anodyne, soporific* – *успокаивающее, успокоительный* – *тинчлантирувчи.*

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, қиёсланаётган тиллар мулоқотида синонимлар ва полисемантик сўзлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жонли сўзлашув нутқини безашга ёрдам берса-да, терминларга бой бўлган илмий услубдаги адабиётлар ва уларнинг таржималарида бир мунча муаммоли вазиятни юзага келтиради. Чунки, синонимик ва полисемантик сўзлар бирор бир фармацевтика билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларда ишлатилган соҳа терминининг аниқ ифодаси бўла олмагани ва амалиётда уларнинг маънолари фарқланмаётгани боис бундай терминларнинг турлича шарҳланишига олиб келади. Шу маънода, тадқиқотимизда полисемантик ва синонимик терминлар, уларнинг таржимадаги вариантдор турлари (абсолют, нисбий, идеографик, контекстуал, диалектал, стилистик, аралаш синонимлар) учраб туради. Масалан: *albumen* – *альбумины – албумин, оқсил, biopharmacy* – *биофармация – биофармация, dragee* – *драже, liquid dosage forms* – *жидкие лекарственные формы – суюқ дори шакли.*

Тадқиқот таҳлиллари натижасида абсолют ва нисбий синонимлар инглиз тилида 528 та, рус тилида 475 та, ўзбек тилида 502 та синонимик қатор ясаши аниқланди (3.1-жадвалга қаранг). Термин-синонимларнинг катта қисми абсолют синонимлар ва дублетлар бўлиб, улар умумий термин-синонимларнинг инглиз тилида 61 %, рус тилида 69 % , ўзбек тилида 67 % ни ташкил этади. Нисбий синонимларнинг инглиз тилида 139 таси, рус тилида 94 таси, ўзбек тилида 102 таси аниқланди ва бу умумий термин-синонимлар сонидан инглиз тилида 22 %, рус ва ўзбек тилларида 17 % ни ташкил этди. Қисқартма вариантлар икки тил фармацевтика терминологиясида ҳам

синонимларнинг бошқа турларига нисбатан кам қўлланилганини кўришимиз мумкин.

3.1-жадвал.

Чоғиштирилаётган тилларда фармацевтика термин-синонимларининг статистик ва қиёсий таҳлили

Фармацевтик термин-синонимлар	Инглиз тилида		Рус тилида		Ўзбек тилида	
	Сано	Сано %	Сано	Сано %	Сано	Сано %
Абсолют синонимлар ёки дублетлар	389	61 %	381	69 %	400	67 %
Қисқартма вариантлар	108	17 %	77	14 %	98	16 %
Нисбий синонимлар	139	22 %	94	17 %	102	17 %
Умумий	636	100 %	552	100 %	600	100 %

Инглиз ва ўзбек тиллари фармацевтика соҳасига оид материаллар матнларида аббревиатуралардан ташқари, тўлиқ таркибли ва қисқартирилган термин-синонимлари ҳам мавжуд.

